

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ

**125** Тадбиркорлик субъектларининг банк иши соҳасида  
рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиши тартиби  
тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида

«Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» 2013 йил 15 августдаги 225-сон қарорига мувофиқ, тадбиркорлик субъектларининг банк иши соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтишининг ягона тартибини белгилаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Банк фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага\* мувофиқ;

Банкларда аудиторлик текширишларини ўтказиш ҳуқуқига сертификат беришда рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

---

\* 1-2-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

Юридик шахслар — резидентлар томонидан чет элда ҳисоб рақамлари очишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага\* мувофиқ;

Ваколатли банклар томонидан нақд хорижий ва (ёки) миллий валюта ни олиб кириш ва олиб чиқишга рухсатномалар бериш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага\* мувофиқ;

Янги бинонинг (банк филиалининг) Марказий банк талабларига мувофиқлиги ёки мўлжалланаётган бинонинг (банкнинг), асбоб-ускуналар, касса узелининг тайёрлиги ва дастурий-техник воситалар билан жиҳозланганлиги тўғрисида хулоса бериш тартиби тўғрисидаги низом 5-иловага\* мувофиқ;

Тўлов агентлик тармоғи орқали жисмоний шахслардан тўловларни қабул қилиш бўйича фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 6-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзлари томонидан қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф.М. Муллажонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2014 йил 10 март,  
56-сон

---

\* 3 — 6-иловалар рус тилидаги матнда берилган.